

**ИНФОРМАТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЎЛАЖАК  
БАКАЛАВРЛАРНИНГ МАХСУС КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**М.А.Муйдинова**

*АндДУ Педагогика институти катта ўқитувчи*

**О.А.Маматхонова**

*АндДУ Педагогика институти магистри*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6597373>

**Аннотация.** Мақолада Информатика фанидан ўқувчиларда шакллантириладиган махсус компетенциялар (фанга оид компетенциялар) ҳақида баён қилинган. Шу билан бирга тадқиқотларда компетенцияларнинг талқини ҳамда АКТ компетенцияси келтирилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** компетенция, махсус компетенция, ахборот, файл, интернет, электрон почта, технология, мультимедиа.

**ФОРМИРОВАНИЕ СПЕЦИАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ  
БАКАЛАВРОВ В ОБЛАСТИ ИНФОРМАТИКИ**

**Аннотация.** В статье описаны специальные компетенции (научные компетенции), которые формируются у студентов факультета информатики. В то же время исследование дает интерпретацию компетенций, а так же АКТ –компетенций.

**Ключевые слова и понятия:** компетентность, специальная компетентность, информация, файл, интернет, электронная почта, технология, мультимедиа.

**FORMATION OF SPECIAL COMPETENCIES OF FUTURE BACHELORS IN  
THE FIELD OF INFORMATICS**

**Abstract:** The article describes the special competencies (science competencies) that are formed in students of computer science. At the same time, the research provides an interpretation of competencies as well as IT competencies.

**Keywords and concepts:** competence, special competence, information, file, internet, email, technology, multimedia.

**КИРИШ**

Ҳозирги кунда бутун дунёда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ахборот коммуникацион ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали сифатли таълим олиш ҳамда таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш имкониятларини янада ривожлантириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030

йилгача халқаро таълим концепциясида - Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш долзарб вазифа сифатида белгиланган [1].

XXI асрда ўқувчиларда ахборотларни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлашда медиатеchnологиялардан фойдаланиш, шунингдек, информатика (CS), ахборот технологиялари (IT) ва рақамли саводхонлик (DL) ни ўзида яхлит акс эттирувчи компьютинг таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёда ахборотнинг шахс ижтимоий-психологик ривожланишига таъсирини минималлаштириш, ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақил ҳамда қулай таълим олишлари учун зарур шарт-шароитларини яратишнинг фасилитацион моделини такомиллаштириш, рақамли компетенцияларни шакллантиришда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг амалий-технологик асосларини ишлаб чиқишга доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Педагогик рискларнинг тобора жадаллашуви шароитида умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологияларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, мультимедиа технологияларидан самарали фойдаланишнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Бу эса, замонавий медиатеchnологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчининг таянч ахборот компетентлигини шакллантириш, уларни виртуал оламда ўзини эркин ҳис қилиши ҳамда ахборотларни излаш, саралаш, тарқатиш учун зарурий билимлар билан қуроллантириш вазифасини белгилаб бермоқда [2].

#### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Замонавий таълимда компетенциявий ёндашувда иккита асосий тушунчани ажратиб кўрсатади: компетенция ва компетентлик.

Компетенция “предметлар ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан бериладиган шахснинг ўзаро боғланган сифатлари мажмуаси”, “компетентлик - инсон томонидан тегишли компетенцияларни эгаллаганлиги ва унга нисбатан ва фаолият предметиға нисбатан шахсий муносабатини билдиради” [3].

Компетентлик ва компетенция ўзаро бир-бири билан боғланган дею эътибор қаратишимиз мумкин. Ўз навбатида ўқув фаниға оид компетенциялар дейилганда “ўқув фани доирасида шакллантириш имконияти бўлган ва конкрет таснифға эға бўлган тушунча” лар ҳақида гап кетади. Бизнинг бу мақоламизда, умумий ўрта таълимда информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани доирасида ўқувчиларда махсус (фанға оид) компетенцияларни ривожлантириш масаласи қаралади.

Сўнги ўн йилликда таълим самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият қилинган ишлар компетенция ва компетентлик тушунчалари билан боғлиқ. Илмий педагогик ва психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлилик ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боис уларнинг талқинлари ҳам ҳажман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно ва мантиқ жиҳатдан турли-тумандир.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарорига кўра тасдиқланган компетенциявий ёндашувга

асосланган Давлат таълим стандартида компетенция «мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти» [4, 122-б.] сифатида талқин этилган.

Илмий адабиётлар ва луғатлар таҳлилларига кўра латинча «competere» («лаёқатли, муносиб бўлмоқ») сўздан келиб чиққан «компетенция» сўзи шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражасини англатади.

Республикамиздаги педагог олимлар тадқиқотларига назар ташлайдиган бўлсак, Г.А.Асилова диссертация ишида «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари бўйича берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда «компетенция» – маълум бир соҳада фаолият юритиш жараёнида шахсий сифатлар ҳамда билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; «компетентлик» муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатдир [5; 12-13-б.] деб таърифлаган.

Ж.Э.Усаров ўз илмий ишларида компетенциянинг «маълум соҳа ёки йўналишдаги тажриба ва билимлар, фаолиятни амалга оширишга бўлган тайёрликнинг намоён бўлиши ҳамда шахснинг турли ностандарт ҳолатларда муваффақиятли ҳаракат қила олишидир» [6; 22-б.] таърифини кўрсатиб ўтган.

Б.Х.Ходжаевнинг фикрича «компетенция ўқувчининг янги шахсий тажрибани ўзлаштиришга доир ўз-ўзини ривожлантиришга доир ҳаракатларини интеграциялашга хизмат қилади».[7; 101-б.].

“Ўзбекистан миллий энциклопедияси” да компетенция сўзига қуйидагича таърифлар берилган:

Компетенция (лот. *competo* - эришяпман, муносибман, лойиқман);

1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахсининг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси;

2) у ё бу соҳадаги билимлар, тажриба [8].

Бизнинг фикримизга кўра, компетенция илмий категория бўлиб, ўқувчи эгаллаши керак бўлган билим, малака ва кўникмаларни маълум синфларга бўлиб беради. Компетенция мазкур компетенцияларнинг ўқувчи шахсининг онги ва онг остида шаклланган, илмий асосланган диний ва дунёвий тушунчаларни ўзида сингдириш ва уларга амал қилиши билан изоҳланади. Демак, ўқувчиларда белгиланган компетенцияларнинг шаклланиши, компетентликнинг эса ривожланиши хусусида гапириш мумкин. Мазкур компетенциялар турлича номда ва мазмунда бўлиши мумкин.

### **МУҲОКАМА**

Информатикадан компетенциялар икки гуруҳдан иборат: умумий ва махсус компетенциялар.

Умумий компетенциялар (ҳаётий кўникмалардан иборат): ижодий ёндашув ва новаторлик, коммуникабеллик ва ҳамкорлик, мослашувчанлик, самарадорлилик.

Махсус компетенциялар (фанга оид компетенциялар): ахборотларни йиғиш, ахборот манбаларини билиш, кераклисини танлай олиш, қайта ишлаш, тахрирлаш, форматлаш, график элементларни ясаш, жадваллар ҳосил қилиш, формулалар киритиш, ранглар билан ишлаш, файлларни архивлаш, ахборотларни узатиш, электрон почта билан ишлай олиш, муаллифлик ҳуқуқларини билиш ва ҳ.к.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация компетенциясини шакллантириш нафақат технологик кўникмаларни шакллантириш, балки ўқув жараёнида ҳам ахборот билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилияти сифатида қаралади.

Демак, айтишимиз мумкинки, “ахборот компетенцияси” тушунчаси мураккаб тузилишга эга ва ахборот компетенциясини шакллантириш жараёни бир неча босқичларда содир бўлади: компьютер саводхонлиги, АКТ саводхонлиги, АКТ компетенцияси.

Компьютер саводхонлиги – минимал билилар тўплами ва компьютерда ишлаш кўникмаси ҳисобланади.

АКТ саводхонлиги деганда фақат дастурий маҳсулотлар ва компютерлар билан ишлаш асосларини, уларнинг асосий функционал имкониятларини, Интернетда ишлашнинг умумий тушунчасини билиш тушунилади.

### ХУЛОСА

АКТ компетенцияси - алоқа ва ахборот технологиялари доирасида мавжуд воситалар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш орқали ахборотни, жараёнларни, объектларни моделлаштириш, тўплаш, баҳолаш, узатиш, кидириш, таҳлил қилиш қобилятидир. Шу билан бирга, АКТ компетенцияси доирасида фақат билимнинг ўзи етарли эмас. Бу маълум ахборот воситаларидан ҳақиқий фойдаланишни, уларни таълим жараёнига жорий қилишни ўз ичига олади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида улар когнитив ва коммуникатив масалаларни ҳал қилишда, тажрибалар ўтказишда қўлланилиши мумкин.

Таянч, фанга оид ва бошқа турдаги компетенциялари етарли даражада шаклланган шахс ахборот кўлами кескин ошаётган бугунги шароитда ўзига келгуси ҳаёти ва касбий фаолиятида керак бўладиган билимларни мустақил ўзлаштиришга интилади.

Демак, узлуксиз таълим жараёнининг асосий вазифаси ўқувчиларга зарур ахборотларни етказиш, уларнинг ўзлаштирилишига эришиш ва шу билан бирга, ўзлаштирилган ахборотларни қўллай олишга ўргатиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини шакллантириш жараёнини узлуксиз ва узвий ташкил этиш зарур.

### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
2. Қаршиев А.А. “Ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш методикаси” Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси. Чирчиқ 2021.
3. Иванов Д.А. Компетенции и компетентностный подход в современном образовании // Управление современной школой. – 2008. – № 1.
4. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар

таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. - 14-сон, 230-модда.

5. Асилова Г.А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш. Пед. фан. док. (DSc) ... дисс. авто. – Т., 2017. –66 б. (127).

6. Усаров Ж.Э. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиш: муаммо ва ечимлар // Физика, математика ва информатика. – Тошкент, 2016. - № 6.

7. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш. Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент. 2016.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2–жилд. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.